ҚЎҚОН ХОНЛАРИНИНГ ЎРДАЛАРИ ТАРИХИДАН: ШОҲРУХБИЙ ЎРДАСИ

Равшанжон Абдуллаев
ЎзР ФА Тарих институти илмий ходими

Аннотация: Мазкур мақолада Қўқон хонлигида ўрдаларнинг қурилиши, уларнинг бошқарувдаги ўрни ҳақида сўз боради. Шунингдек хонликда дастлабки қурилган ўрда - Шоҳрухбий ўрдасининг бунёд этилиши ҳақида айрим маълумотлар кўрсатилган.

Калит сўзлар: Қўқон, ўрда, Шоҳрухбий, Мулла Олим Маҳдум ҳожи, Кўктўнлик азизлар мавзеи.

Қўқон хонлигини бошқарган Минг сулоласи ҳукмдорлари томонидан бир неча маротаба ҳашаматли ўрдалар[47] қурилган бўлиб, улар ҳақида тарихий манбалар ва сафарномаларда маълумотлар учрайди. Афсуски ушбу ўрдалардан фақат сўнги Худоёрхон томонидан қурилган ўрдагина сақланиб қолган, ундан олдин қурилган ўрдалар турли сабабларга кўра бузилиб кетган. Шу сабабдан ҳам уларининг ташқи кўриниши, меъморчилик хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотлар айтиш қийин. Шундай бўлсада манбаларда келтирилган маълумотларни ўрганиш орқали, ўрдаларнинг қандай сабабларга кўра бунёд этилгани, қайси хон фармони билан қурилгани, унинг жойлашган ўрни ҳақидаги айрим саволларга жавоб топиш мумкин.

Қўқон хонлигида ҳукумат қароргоҳи хон ўрдасида жойлашган бўлиб, давлат аҳамиятига молик барча масалалар ушбу ўрдада ҳал қилинган. Шу сабабдан ҳам давлатнинг бош қароргоҳи бўлмиш ўрдаларни қурилиш масаласига Қўқон хонлари томонидан алоҳида аҳамият берилган.

Тарихий манбаларда келтирилишича хонликдаги дастлабки ўрданинг қурилиши Шоҳрухбий (1709-1721) номи билан боғлиқ. Маълумки 1709 йилда Қўқон хонлиги ташкил топади ва аста секин унинг давлатчилик асослари шаклланиб боради, ўз навбатида давлатни бошқарув қароргоҳига зарурат туғилади. Шу сабабдан ҳам ўрда учун мос жой аниқланиб тез орада қурилиш ишлари бошланиб кетади.

“Ибратул- хавоқин (Тарихи Шоҳрухий)” асарида бу ҳақида ёзилади: “Хон бир неча кун Чодакда туриб, мазкур туманларга волий ва ҳоким тайинлаб қайтаркан, кўп мол-мулк ва чексиз ғалаба билан ўзбакия даҳаларининг энг

[47] Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ўрда сўзи қуйидагича изоҳланади: “Ўрда 1 Туркий ва мўғул халқларида ҳукмдор, хон қароргоҳи, қалъа. 2 Қўшин қароргоҳи, лашкаргоҳ.”. 163-бет. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20O'.pdf

фозили ва сартия[i] туманларининг энг шарафлиси бўлмиш Тарғова ва Чамишга келиб тушди. Сўнг ёнидаги йиғинни тарқатиб юбормасдан, хонлик ишлари ва султонлик юмушлари маслаҳатига киришди. (Шоҳруххон) анча гап-сўздан кейин: “Душманларнинг ғафлат уйқусида ётганлари уйғонмасдан бурун ва ҳосидларнинг ғофилпеша кишилари огоҳлик топмасдан илгарироқ, ана шу ғанимлар қонини тўкиш учун, қинсиз шамшир ва ғилофсиз қиличларимизни мустаҳкам жой топиб, давлат ва салтанатни мустаҳкамлаш ва ҳашамат-шавкатни анжомлаш учун мазбут ва мустаҳкам янги қалъа ва темир қўрғонлар барпо қиламан. Зеро, салтанат ишларини бажариш қалъа ва арксиз муяссар бўлмайди.”[48]

Мулла Олим Маҳдум ҳожи ҳам ўз асарида мазкур ўрда таърифини келтиради: “Кўктўнлик азизлар мавзеига жар ёқасига *ўрда* ва *арки* мустаҳкам барпо қилиб, ҳамма аркони давлат ва аъёни қурбатлар аркни атроф жавонибига ҳовли ва иморатлар бино айлаб, ўзлари учун хона ва манзил тартиб қилиб, андак фурсатда бул шаҳар ва арк иморатларини тайёрлаб, яхши кун ва соати масъудда ҳамма аъёни вилоят ва аскар ва фуқаро ва хосу ом жамъ бўлуб, Шоҳруххонни подшоҳона либос илан музайян айлаб, эъзоз ва эҳтиром илан подшоҳ кўтариб, тахтга ўткузуб, ала қадр ал-ҳол нақдиналарини подшоҳларини бошларига нисор айлаб ва хайру худойилар қилишиб муборакбодлик қилишибдурлар. Андин кейин машойиху уламо ва фузало ва акобири вилоятлар келишиб, қайтадин табарукан деб, оқ намадга кўтариб, Шоҳруххонни хон кўтаришибдурлар.”[49]

Шоҳрухбий томонидан қурилган мазкур ўрданинг қурилиш санасини муаррихлар 1121/1709-1710 йил кўрсатишади.[50]

Шоҳрухбий янги қурилган ўрдада 1721 йил вафотига қадар давлатни бошқаради. Кейинроқ унинг авлодлари томонидан бошқа ўрдалар қурилиб, хукумат қароргохи бу ердан кўчирилади. Вақтлар ўтиши билан Шоҳрухбий ўрдаси бузилиб кетади ва унинг ўрнида катта қабристон вужудга келади.

[48] Ниёз Муҳаммад Хўқандий-Ниёзий. Ибратул- хавоқин (Тарихи Шоҳрухий). Тошкент. 2014. 42-бет.
[49] Мулла Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Нашрга тайёрловчилар Т.Алимардонов, Н. Абдулҳаким. Қарши. 1992. 48 бет
[50] Ниёз Муҳаммад Хўқандий-Ниёзий. Ибратул- хавоқин (Тарихи Шоҳрухий). Тошкент. 2014. 44-бет.